




КАНДАЙ ХУКУМАТ ТАШКИЛ ЭТИШ ХАКИДАГИ МАСАЛА

Туркистон жадидлари орасида февг.аль инкилобигача куйидаги бирлашмалар бор эди: Укитувчилар жамияти; харбий хизматчилар жамияти; «Турон» номидаги санъат жамияти ва бошка «гап» номи билан юритилган жамиятлар. Улар хакида олдинги ўз хотираларимда айтганман. Уларнинг бирортаси хам сиёсий киёфага эга бўлмаган. Февраль инкилобидан кейин бу бирлашмалар ишчи ва аскар депутатлари шўросига хатто ўз вакиллари юбора олмадилар. Булар хакида хам олдин ёзган эдим. Жадидларнинг бу гурухи сиёсий ва маданий жихатдан колок бўлганлиги учун хам феврал инкилобигача Туркистонда мухтор бошқарув масаласини кўтариб чика олмаган эди. Бу тўғрида улар ўйлаган хам эмас. Уларнинг бутун умиди Россиядаги инкилоб жараёнида махаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабрланишдан озод қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини овруполиклар билан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот ишлари хамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди.

У (жадид)ларнинг энг яхши кўрган шиори: Озодлик, Тенглик ва Адолат бўлган. Феврал инкилобидан кейин жадидлар ўрислар билан биргаликда бир канча сиёсий масалада йигилиш ва қурултойлар ўтказишади. Бундан ташқари, улар Кавказ ва Татаристондан келган зиёлилар билан туркистонликларга маданий ёрдам бериш масаласида бир неча марта суҳбатлар ташкил қилади. Шу жараёнда махаллий зиёлилар миллий мухторият, махаллий мухторият, федератив ва демократик жумҳурият ва бошка мухториятлар хакида баҳс юрита бошлайди.

Нихоят, бу масала Туркистон мусулмонлари қурултойида муҳокама қилинади [46]. Эсимда бор, узок муҳокама ва тортишувлардан кейин делегатлар демократик федератив жумҳурият учун қўл қўтаради. Шунинг хам айтиш керакки, муҳокамада қатнашганларнинг қўпчилиги, шу жумладан, менинг ўзим хам жумҳурият билан мухторият ўртасидаги фарқни тушунмаган эдик [47]. Феврал инкилобининг охирига қадар махаллий зиёлилар шу қурултой қарори ечимини талаб қилади. Агар махаллий зиёлиларнинг бу талаби таъсис мажлиси томонидан қоникарли ҳал қилинадиган бўлса, улар жумҳуриятни бошқариш усулини танлаш хакидаги масалада овруполик социалистлар ёрдамига умид

килар эди. Улар (овруполик социалистлар — С.Х)нинг ёрдами маҳаллий зиёлилар карамогиди катта маданий куч бўлмагани учун ҳам зарур эди. Бошқа ёрдам сўраб турк ва татарларга мурожаат қилиш ҳақида ҳам фикрлар бор эди. Инкилоб бошларида маҳаллийларнинг ўзаро муносабати социалистлар билан унча якин бўлмаган, қачонки уламолар галабага эришганидан кейин уларнинг алоқаси сезиларли даражада ўзгаради. Октябр инкилобидан кейин ахвол бирдан ўзгариб кетди, социалистлар (меньшевиклар) инкилобининг бошида маҳаллий аҳолидан шаҳар шўросига делегат юборишга қарши эди. Энди эса, Туркистон мухторияти фойдасига ташвиқоти бошлаб юборди. Бу пайтда Марказий ижроия кўмитаси Кўконда курултой чакиради.

Курултой вақтида мен ўзим шунинг гувоҳи бўлдим-ки, бир неча меньшевиклар Чўкаев, Хўжаев, Тинишпаевга Лениннинг Шарк халқларига, улар ўз ҳукуматини бошқаришни қўлларига олиш ҳақида ёзма равишда юборган мурожаатини кўрсатиб, мана Ленин ҳам мухторият эълон қилинишига қарши эмас, шунинг учун бу курултойда мухторият эълон қилинишига ҳамма куч сарфланиши зарур деб айтади. Натижада курултой мухторият эълон қилади. Шахсан мен бунга қарши эдим... [49] Менинг фикримча, мухториятнинг эълон қилиниши бевакт бўлди. Мен меньшевиклар бу мухторият жараёнида маҳаллий аҳолидан қурол сифатида большевикларга қарши фойдаланиб, ҳукумат юқори лавозимларини эгаллашга ҳаракат қилади деб ўйлаган эдим. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди. Бу мухторият кўпгина қонли воқеаларга сабаб бўлди. Мухторият туфайли Тошкентда декабр намоёйиши бўлиб, у бир неча кишининг қурбон бўлиши билан тугади. Бу ерда мен Эски шаҳар аҳолисини Янги шаҳарга ўтказмасликка ҳаракат қилдим. Аммо Шайхонтохурдан Ўрдагача чўзилган намоёйиш раҳбари Низомиддин Хўжаевни қўндиришнинг илоҳи бўлмади... Мухториятнинг фаолияти ва дастури Сизга маълум. Шунинг учун мен уни қолдириб, яна («Иттиҳоди тараккийпарвар») ташкилотига тўхталмоқчиман. Бироқ, ундан олдин большевикларнинг мухторият муваққат ҳукуматини буржуазия ва меньшевиклар ҳукумати деб баҳолашига қўшила олмаслигимни ҳам яширмай айтиб қўймоқчиман. Негаки, бунинг учун жуда кўп факторлар бор. «Иттиҳоди тараккийпарвар» ташкилоти ўз олдида асосий мақсад қилиб Туркистон аҳолисини жаҳолат ва қулликдан қутқаришни қўйган бўлса-да, у қандай ҳукумат тузиш ва уни қандай усулда бошқариш масаласи билан шугулланмаган. Унинг дастури ҳам, ҳатто лойиҳаси ҳам йўқ эди. Улар (тараккийпарвар) ҳамма қушни эски турмуш иллатларига қарши қурашиш ва мактабларни яхшилаш ва қўпайтиришга қаратади.

Раис Зиябекнинг муҳим масалаларни ҳал қилиш учун ташкилот раҳбарлари кенгашини чақириш одати бор эди. Боқу турклар томонидан ишғол қилингандан кейин Зиябек мени, Саъдуллаҳўжа ва бошқа бир неча қишлоқларни чақириб, Туркия қўшини Туркистон остонасида турибди, Озарбойжон Туркияга қўшилди, тез Орада турк қўшини Туркистонга қириши қўтилмоқда, Туркистон Туркияга қўшилади, шу муносабат билан ташкилот номидан қарор қилишимиз керак, деб айтди.

Бу вақтда маҳаллий халқ орасида пантуркистик қайфият шу даражада қучли ривожланган эди. Зиябек қуйидаги қарорни қабул қилишни таклиф этади: «Иттиҳоди тараккий» ташкилоти Туркистоннинг Туркияга қўшилишига қаршилик билдирмайди. Қарор ушбу қўшимча билан қабул қилинади: «Мабода Туркистонни турк қўшини эгаллаб олса». Бу қарор қабул қилингандан 3—4 ой ўтгач, турк қўшини чекинади.

Озарбойжонда муссоватчилар ҳукумати тузилади ва туркистонликлар турклар ҳақидаги ўз орзуларини унутади. Энди Англия томонидан ҳавф пайдо бўлади. «Иттиҳоди тараккий» ташкилоти большевиклар билан биргаликда унга қарши тарғибот олиб боради

ва (қуйидаги) шиорни олга сурадилар: «Қурашамиз, кон тўқамиз, аммо Англия кармогига илинмаймиз ва унга ўз Ватанимизни бериб қўймаймиз!..»

Турклар Боқудан кетганидан кейин уларни ҳеч ким эсламайди. Шундан сўнг «Иттиҳоди тараккий» ўз олдига шўро ҳукумати яратиб берган қуйидаги имтиёз ва ёрдамдан фойдаланиш мақсадини кўзлайди:

- а) ўқув юртлари сонини кўпайтириш;
- б) мактаблар қошида катталар учун саводсизликни тугатиш курслари очиш ҳамда тўғарак ва жамиятлар ташкил этиш.
- в) мазкур шўро ҳукумати мухториятини мустахамлаш.
- г) шўро ҳукумати ағдарилган тақдирда Туркистон мухториятини сақлаб қолиш мақсадида тараккийпарварларнинг янги қучини тайёрлаш.

Шўро ҳукумати яшаб қолишига ишонч пайдо бўлганидан кейин тараккийпарвар ташкилоти таркатиб юбо-рилади, унинг баъзи бир аъзолари коммунистик фиркага кириб мухториятни мустахамлаш ва (шўро) аппаратларини маҳаллийлаштириш бўйича асосий ишни давом эттиради.

Қачонки, марказдан Кобозев келиб, раҳбарлик қила бошлагач, бу гоё янада қучаяди, шу билан бирга Москва ёрдам беришига умид пайдо бўлади. Бунга (миллийлаштиришга) қаршилик кўрсатганларга мустамлақачи деб қаралади.

Бу мустамлақачилар қурултой ва конференциялар ёрдамида ғалаба қозонишга ўтдилар. Москвага йўл очилганидан кейин (50) улар тўғрисида марказга шикоят қилиш ва у ердан ёрдам олиш йўли билан Туркистонда тўла ҳуқуқли мухторият бошқарувини ўрнатиш мумкинлигига ишонч пайдо бўлади. Бу ишонч VIII қурултой [51] дан кейин янада қучаяди. Чунки, Марказий ижроия қўмита, ўлка комиссариати ва бошқа баъзи бир комиссариатларда раҳбарлар маҳаллий ходимлардан тайинлана бошлайди. Бу тадбирлар маҳаллийларнинг талабларини энг кўп даражада қондиради деб айтса бўлар эди. Бу талаблар расмийлаштирилмаган бўлса ҳам, Москва билан қисман ёки бевосита боғланмаган комиссариатлари, масалан, ҳарбий комиссариат, молия комиссариати, чет эл ишлари комиссариати мустақиллигини билдирар эди...

Ҳақнинг қисқаси, ўша вақтларда маҳаллий ходимлар ҳам, «Тараккийпарвар» аъзолари ҳам марказнинг миллий, синфий ва фиркавий сиёсати ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас эди...

1930 йил 12 июнь

Бизларнинг синфий дунёқарашимиз негизида синфларни инкор этиш ётади. Бизлар синфларни билмас эдик, агар йирик буржуазия деб ҳисоблаётган катта ер эгалари ва савдогарларнинг жуда озгина ғуруҳи ҳисобга олинмаса, бизларнинг кўз ўнгимизда ҳамма тенг эди. Буржуазия тўғрисида ғапирганда бизлар йирик савдогар ва катта ер эгаларинигина назарда тутар эдик. Бизлар шўро ҳукуматининг мана шуларга эмас, балки майда ва ўрта ҳол буржуазияга нисбатан олиб борган тадбирларига қарши бўлдик. Бинобарин, бизлар асосан майда буржуазия манфаатларини ҳимоя қилдик: мана шундан бизларнинг октябр инқилобидан кейин мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ролимиз, шўро ҳукумати, йўқсил диктатурасига қарши олиб борган қурашимиз тушунарли бўлса керак. Бизларнинг мустақиллик ҳақидаги шиоримиз, аввал буржуа-демократик Туркистонни,

ундан сўнг эса Ўзбекистонни ташкил этиш, ҳокимиятни майда ва ўрта буржуазия кўлига бериш тўғрисида ҳаракатимиз ана шундан келиб чиқади. Пантуркистик интилишлар ҳам ўз ўрнига эга эди. Бизнингча, буларнинг оммавий кўриниши Ўрта Осиёдаги туркий халкларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган тил яратишдан иборат бўлиши керак эди. Бизлар шу умумий тил орқали бу халкларнинг бирлигини осонгина мустаҳкамлаймиз деб ўйлаганмиз. Бизларнинг пантуркизм Ўрта Осиё доирасидан четга чикмас эди, чунки бизлар уни бугунги куннинг оммавий вазифаси деб тушунганмиз. Пантуркизм гоёсини бутун туркий халкларга нисбатан амалга оширишга («Буюк Турон» гоёсига) бизлар ишонмас эдик. Фақат турк ҳарбий асирлари келиб ишлай бошлаган пайтда бизларда бу интилиш бироз жонланди.

Ўзбек ва козок кишлок тилларида ўхшашлик борлигини ҳисобга олиб, улар асосида умумий тил яратмокчи бўлган эдик. Мана шу умумий тил асосида умумий адабиёт яратишни ҳам ўйлаган эдик.

Бизнинг пантуркизмнинг туб сиёсий мазмуни шундан иборат эдики, асосий мақсад бўлган мустақилликка бутун Ўрта Осиё халқларининг ягона ҳаракати билан тезроқ эришиш мумкин деб ўйлагандик...

«Чигатой гурунги»га бирлашиб Фитратга эргашган ёшлар янги ўзбек адабий тилига асос қилиб Навоий, Чигатой турклари тилини олди, эски атамалар (арабизм ва форсизм аралашмаси) барча туркий тиллардан, ҳатто ўлик Чигатой тилидан олинган янги атамалар билан алмаштирилди. Мана шулар асосида ва ўз навбатида эса, алифбо масаласида бизлар билан фитратчилар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Аммо бунинг сиёсий гоёларга дахли йўқ эди.

Мен афгон консули Гулом Жайлоний олдида борганим ва у билан ўзимнинг Афғонистонга кетишим ҳақида гаплашганимни Миён Бузрук Солиховга айтган эдим. Миён Ўзбекистонга қайтиб келганидан афсусланиб гапирди ва имконият бўлса яна Афғонистонга ўтиб кетиш хоҳиши борлигини айтди. Унинг ўзи айтишича, у афгон ҳукумати рухсати билан Хиндистонга бориб, кейин у ердан Туркияга, Истамбулга ўтади... [52].

Афғон консули билан гаплашишдан мақсадим ўзим ва менга яқин бўлган кишилар, масалан, Салимхон, Миён Бузрук, Муротхўжа, Саидкамолхон, Мирсоат Мирзокиров, Мухаммадрасул домла, умуман, 10—15 кишининг Афғонистонга ўтиб кетиш хоҳишини амалга ошириш бўлган эди. Консул билан гаплашганимда фақат Салимхон билан Миён Бузрукни тилга олган эдим. Бошқалар ҳақида эса ҳеч нима демадим, чунки булар эртами кеч у ёққа кетишга мажбур бўлар эди. Консул Кобулга хат ёзиб, хат олишга ҳатто Афғонистонда ўқитувчи бўла оладиганларга махфий равишда рухсатнома (виза) беришга ваъда берди. Консул билан бўлган музокара натижасини мен фақат Миёнгагина айтдим. Кобулдан жавоб келишини кутишга қарор қилдик. Бачи Соков исён кўтариши муносабати билан бизда Афғонистонга кетиш орзуси йўқолди, аммо Омонулла ҳукумати қайта тиклансагина ўз ниятимизни амалга ошириш умидида бўлдик...

Консулнинг моддий жихатдан қўллаб-қувватлаши тўғрисида: охириги пайтларда ҳеч қандай қўмак бўлмайди. Фақат шуни айтиш керакки, консуллик ходими Мансурхон мени таништирган консул ўрнига келган янги консул 1923 йилнинг охириларида мендан миллий фаолият аҳоли ҳақида сўради ва Афғонистондан моддий ёрдам келиши мумкинлигини маълум қилди. Мен унга фаолият давом этиши учун энди одамлар ҳам, маблағ ҳам йўқ. Қўшни давлатлардан бирортаси ҳам бизга ёрдам беришни ҳаёлига келтирмайди, дея қулим-сираб қўшиб ҳам қўйдим. Шундан кейин у агар илтимос қилинса, Кобулдан моддий

ёрдам келиши мумкинлигини баён килди.

Бу суҳбат ҳамда афгонларнинг ёрдам бериш ваъдаси тўғрисида мен Саидносир Миржалиловга (назарим-да Толибжон Мусобоевга ҳам) айтдим, шунингдек Сайидвали семизнинг уйида 1924 йилида Убайдулла Хўжаев, Саидносир, Толибжон, Шаҳоб Нишон ва бошқалар иштирокида бўлган йиғилишида ҳам гапирдим, катнашганлар рўйхати сизларда ҳам бор...

1930 йил 4 январь

«ИТТИХОДИ МИЛЛИЙ» ТАШКИЛОТИ

1) 1919 йил январь воқеасидан кейин маҳаллий зиёлиларнинг бир қисмида шўро ҳукуматининг мустаҳкамланиб яшаб қолишига ишонч ҳосил бўлди. Улар Туркистон халқини куллик ва жаҳолатдан факат коммунистик ташкилот ёрдамидагина озод қилиш мумкин деган фикрга келади. Зиёлилар орасида мана шундай ишонч бўлганлиги сабаб «Иттиҳод ва тараккий» («Иттиҳоди тараккий») ва унинг ўрнини босган «Бирлик» ҳам тарқалиб кетади.

Шу билан бир каторда маҳаллий зиёлилар орасида юқоридаги ишончга қўшилмай, бирорта қандайдир яширин ташкилот тузиш иштиёқида юрганлар ҳам бор эди. Зиёлиларнинг бу гуруҳи бошида Садриддинхон ва бир неча турк офицерлари бўлиб, улар бир неча бор менга қомфирқага қирганлигимни тана қилган ҳолда мени янги ташкилот тузилишида катнашишга таклиф қилдилар.

Мен бу пайтда қомфирқада жуда ҳам берилиб ишлаётган эдим. Шунинг учун ҳам мен уларнинг таклифига тахминан қуйидаги руҳда рад жавобини бердим: «Агар сизлар мени миллатчи деб тан олсаларингиз, сизларга шундай деб айтаманки, коммунизм менимча миллат ва халқнинг эҳтиёжига тўла жавоб беради. Мен энди миллат ва халқнинг қўпчилигини ташкил этувчи қамбағал ва меҳнатқашлар манфаати учун ишлашни афзал қўраман. Мана шу мақсадни деб мен қомфирқа-га қирдим. Бошқа ҳеч қандай ташкилотга эҳтиёж йўқ деб қиламан».

Уларга мен шу мазмунда жавоб бердим ва бир неча митингларда шу маънода нутқ сўзладим. Ўша вақтда «Шарқни озод қилиш» жамиятида ҳам унчалик фаол бўлмадим, факат унинг бир икки умумий йиғилишидагина катнашдим ҳолос.

У пайтда менинг муҳим хизматим Халқ маорифи комиссарлигида эди. Шунингдек, Мусулмон бюроси (РКП(б) Мусбюроси) ва ўлка қўмитаси (қрайком) мажлисларида фаол катнашардим. Маҳаллий коммунистларга П. А. Кобозев раҳбарлик қилади. У ҳар доим бизга (маҳаллий аҳоли коммунистларига) шундай деб айтарди: Туркистон Шарқ дарвозаси, у орқали бошқа шарқий мамлакатларга инқилобий қайфият олиб кириш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам Марказ Туркистонда алоҳида шарқий сиёсат деб номланувчи сиёсат олиб боришни ўйламоқча ва ҳатто у зарурият бўлса, бу ерда Таъсис қурултойини чақириши ҳам мумкин. Бу тўғрида Кобозев VIII қурултойда маҳаллий аҳоли вакилларида миллий гуруҳ деб номланган гуруҳни тузиб, уни ўзи бошқарган эди. Ўрт. Кобозевнинг бу раҳбарлиги сабаб маҳаллий зиёлиларда Туркистонда мухтор давлат тузилиши ва уни бошқа шарқий мамлакатларга намуна бўлишига маълум даражада

ишонч уйғонади. Бунга карши бўлган (Казаков ва Успенский каби) овруполикларни махаллий зиёлилар мустамлакачилар деб атайди.

Курултойдан сўнг Рискулов ва Саъдуллаҳўжа Турсунхўжаев ҳукумат раҳбари бўлиб қолади. Марказдан ўрт. Элиава раислигида Туркистон иши бўйича махсус комиссия (Турккомиссия) келди.

Бизларнинг фаолиятимиз кейинчалик Туркистонни Турк жумҳурияси деб номлаб, мухториятни кенгайтиришга, давлатни махаллийлаштиришга, бошқача айтганда Кобозев кўрсатма (директива)ларини тўлалигича ҳаётга тадбиқ этишга қаратилди.

Бирок Рискуловчиларга ҳужум бошланиши билан бу сиёсатнинг умри жуда қисқа бўлди. Ҳужум Казаков, Успенский каби мустамлакачилик кайфиятидаги кишиларнинг фаолияти билан боғлиқ эди. Натижада Рискулов ўз ловозимини ташлаб, Марказга арз қилишга қарор қилди.

Рискулов ва Низомиддин Хўжаев Москвага бориб, у ердан бутунлай енгилиб қайтди.

Боқудаги Шарк халқлари курултойида Рискулов бу масала тўғрисида Зиновьевга мурожаат қилади. У эса бу ишни кўриб чиқишни Москва ихтиёрига ташлайди.

Рискуловлар ўз ловозимларидан кетгач, мен ҳам Боқудан келишим билан ишдан бўшатилиб, Бухорога командировка қилиндим. Бу ҳатти-ҳаракатни эса махаллий зиёлилар мустамлакачилик кайфиятидаги овруполикларнинг галабаси деб баҳолади.

Мана шу муносабат билан махаллий зиёлилар кун сайин «Иттиҳод ва тараккий» ташкилотини тузиб, овруполикларнинг мустамлакачиликка интилишларига қарши курашиш зарурлигини ҳис эта бошлайди.

Биз Боқуда бўлган пайтда Тошкентга Турккомиссиянинг янги раиси Сафаров келди. У ҳам Рискулов ва унинг тарафдорларига бўлган олдинги (салбий) муносабатни ўзгартирмади. Бу ҳолат махаллий зиёли ва коммунистларнинг коммунизмдан кўнглини совутди. Худди мана шу пайтда Бухорода, Тошкентда «Иттиҳоди миллий» ташкилот ташкил топганлиги тўғрисида гап тарқалди. Бу тўғрисида Тошкент марказидан кўпгина хатлар олинди. Бизлар, яъни Бухородаги туркистонликлар ташкилот марказини Тошкентдан Бухорога кўчиришга ҳаракат қилдик. Шу сабабдан Тошкент билан мurosамиз келишмай қолди (Бу тўғрида мен олдинроқ батафсил ёзганман). Мен «Иттиҳоди миллий» (баъзан «Миллий иттиҳод» деб ҳам аталади) қачон қандай пайдо бўлганлиги тўғрисида қамолка олинганим (1921 йил) ва ундан озод бўлганимдан кейинги пайтда баъзи бир маълумотларга эга бўлдим.

«Иттиҳоди тараккий» ва «Бирлик» тарқалиб кетгач, уларнинг раҳбарлари бизлардан ажралиб қолади. Бизлар 8-курултойда миллий гуруҳни тузиб, Казаков ва бошқалар билан кураш олиб бораётганимизда уларнинг ўзлари «Иттиҳоди миллий»ни ташкил этди. Унинг марказида дастлаб Муҳаммадбей, Сулаймон Сами ва Садриддинхон бўлган. Бу ташкилот устави олдинги «Иттиҳоди тараккий» уставининг айнан ўзи эди. Фақат унинг номигина ўзгарган ҳолос (собик «Иттиҳоди тараккий»нинг устави, қарорлари ва рўйхати Садриддинхонда эди).

Улар янгитдан қабул қилинаётган кишиларга, ташкилот таркибига «Иттиҳоди тараккий»нинг ҳамма собик аъзолари, 8-курултойда миллий гуруҳга кирган делегатлар, ҳатто Рискулов ва Кобозев ҳам қиради деб айтар эди. Ташкилот аъзоларининг тартиб сони мингдан ортиб кетди. Рискулов ҳукуматдан кетганича ташкилот шу ҳолатда иш олиб боради. Унинг фаолияти асосан аъзолар сонини кўпайтиришдан иборат бўлди.

Рискуловдан кейин улар ташкилот уставига бироз ўзгартириш киритди. Марказий кўмита аъзоларининг сони 5 тагача, вилоятларда эса 7 тагача кўпайтирилди. Аъзолик сафига

факат тараккийпарварларгина эмас, хамма хоҳдовчилар қабул қилинди.

Бизлар Бухорога сафарбар (командировка) қилингандан кейин улар ташкилот ҳақида хабар беришни лозим деб топади ва бизларнинг ёрдамимизда унинг Бухоро бўлимини ташкил этишга ҳаракат қилади.

Маълумки, бу ердагилар бўлимини очиш ўрнига ташкилот марказини Тошкентдан Бухорога кўчириш иштиёқида бўлади, муҳр, устав ҳақида шов-шув кўтаради.

Бизнинг ташкилот марказини Бухорога кўчириш тўғрисидаги таклифимиз асосида Тошкент марказчилари орасида қарама-қаршилик пайдо бўлади. Турклар марказни Бухорога кўчириш тарафдори бўлса, Садритдинхон бунга қарши бўлади. Охир-оқибатда бу ажралишга олиб келади. Сулаймон Сами ва Муҳаммадбей ташкилотдан чиқади. Шундан сўнг ташкилот бошида биргина Садрит-динхоннинг ўзи қолади ва ўзича иш олиб боради.

Босмачилар билан алоқани тиклайди, Қаримов билан бирга ўша машҳур хатни ёзади. Бошқача айтганда контрреволюцион йўлга қиради. Атрофидаги қишлоқлар масалалар муҳокамасида иштирок этмасдан, унинг буйруғини тўғридан-тўғри бажарар эди. Буни у Москва ва Бухородаги марказий органлар номидан амалга оширади. Бухорода (Туркистон миллий бирлиги — Марказлар маркази) марказий кўмита ташкил топгач, у Тошкент марказини Бухорога кўчириш таклифи билан чиқади. Бироқ у бунга ҳам бўйсинмайди, устав ва муҳрни ташкилот иши қош бўлиб, ярим йўлда қолиб қетишидан ҳавфсираб, Бухорога юбормайди...

1921 йилдаги бостирма (облава) пайтида у (Садритдинхон) ўзи ташкил этган босмачиларга қочиб кетади. Суд бўлганидан сўнг у қамоқда бўлди. У ердан яна босмачиларга, ундан сўнг эса хорижга, Эронга ўтиб кетади. Ҳозир ҳеч ким унинг тўғрисида ҳеч қандай, тирик ёки ўлик ахбороти ҳақида аниқ маълумотга эга эмас. «Иттиҳоди тараккий»нинг факат устави бўлиб, дастури йўқ эди. «Иттиҳоди миллий»нинг алоҳида дастури бўлмаса-да, факат уставга суянган. Унинг марказий кўмитасида турклар ҳам бўлган. Алоҳида махсус дафтарда берилган топшириқлар қайд қилинса, иккинчи дафтарда эса ташкилот аъзоларининг исмлари ёзилиб, улар номерлар билан белгиланади.

Турклар қетганидан кейин ҳамма иш унинг (Садритдинхон) қўлига ўтади. Шундан кейин у дафтарни тўлдириб борган, бормаганини ҳеч ким билмайди. Шунингдек, у қочоқли даврида ташкилотнинг дафтари ва муҳрини нима қилганини ҳозиргача ҳам аниқ эмас. «Иттиҳоди тараккий» нима учун «Иттиҳоди миллий» деб номланганини мен шу вақтгача ўйлаб кўрмаган эканман. Энди ўйласам унинг сабаблари қуйидагилардан бўлган бўлса керак:

1. Ўша ташкилот пайдо бўлаётган пайтда қурултойда миллий гуруҳ ташкил топган эди. Шу гуруҳ номи остида никобланиш ва ўзларида уларга ташкилотнинг қурултойдаги вакиллари деган тушунчани билдириш мақсадида «Иттиҳоди миллий» номини олган бўлишлари мумкин.
2. Садритдинхон дин ва исломпарасат бўлган. Балким, унинг таъсирида бўлган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожиқларни бирлаштириш мақсадида ташкилот номи «Иттиҳоди миллий» («Миллатлар уюшмаси») деб аталганини ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.
3. Муҳаммадбей Туркиядаги усмонпарастлик оқими тарафдори бўлган. Меним эшитишимча, у туркпарастлар ва туранпарастлар норози бўлиб, бир неча туркий бўлмаган, яъни яҳудий, арман, араб ва грек миллатларини бирлаштирувчи усмонлилар давлатини Туркия номи билан аташ тўғри бўлмайди деб айтган. Шу сабабдан ҳам, у

кишининг таъсирида Туркистонда яшовчи козок, киргиз, ўзбек, туркман, тожик, рус ва яхудийларни бирлаштириш мақсадида ташкилот «Иттиходи миллий» деб номланган бўлиши мумкин.

Умуман, «Иттиходий миллий»ни «Иттиходий тараккий»га айланиб ўхшаш, фақат маҳаллий тараккийпарварлардан иборат бўлган, эски маиший турмуш ва мустамлакачиликка қарши мақсадда бўлган ташкилот деб аташ ҳам унча тўғри эмас. Аслида у жуда кенг мақсадни қўзлаган...

давоми бор...